XALQ DEPUTATLARI ROMITON TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 22 - fevral VI-59-34-2-40-K/22 Romitan tuman hokimligi

Ромитан тумани бўйича 2022 йилда қишлоқ хўжалигида мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларига ҳамда юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларнинг 1 кв.метр учун белгиланадиган минимал миқдорига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 412, 429 ва 437-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ва Молия Вазирлигининг тегишли хатларига асосан Ромитан тумани бўйича юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари ва жисмоний шахслар учун белгиланган ер солиқларининг 2022 йил учун солиқ ставкаларига ва юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларнинг 1 кв.метр учун белгиланган минимал миқдорига ўзгартириш киритиш мақсадида халқ депутатлари туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ромитан тумани бўйича 2022 йилда қишлоқ хўжалигида мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларига ҳамда юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларнинг 1 кв.метр учун белгиланадиган минимал миқдорига ўзгартирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2.Туман ҳокимлиги молия бўлими (А.Сафаров) ҳамда туман давлат солиқ инспекцияси (Б.Ғайбуллаев)нинг ҳудудларнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг келгуси йил учун белгиланган маҳаллий бюджет прогнозидан келиб чиқиб туман бўйича 2022 йилда

юридик ва жисмоний шахсларнинг базавий ер солиғи ставкаларининг мутлақ миқдорларига нисбатан камайтирилувчи ва оширилувчи коэффициентларни қўллаш ҳамда тумандаги юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун белгиланадиган минимал миқдорга нисбатан камайтирилувчи коэффициентларни қўллаш бўйича таклифлари инобатга олинсин.

3. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик ва жисмоний шахслар бўйича 2022 йилда Ромитан тумани учун мутлоқ миқдорда белгиланган ер солиғининг базавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар миқдорлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман давлат солиқ инспекцияси (Б.Ғайбуллаев) 2022 йил учун юридик шахсларнинг (йирик солиқ тўловчилардан ташқари) мол-мулкига солинадиган солиқни ушбу қарор билан, қишлоқ хўжалигида мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланган ставкалар асосида ҳисобланиши ва белгиланган тартибда ундирилишини таъминласин.

5. Туман ҳокимлиги ушбу қарор билан маъқулланган Ромитан тумани бўйича 2022 йил учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларини оммавий ахборот воситаларида ва туман ҳокимлигининг расмий вебсайтида эълон қилсин.

6. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ромитан тумани бўйича 2022 йилда қишлоқ хўжалигида мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларини ҳамда юридик шахслар учун мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун белгиланадиган минимал миқдорни тасдиқлаш тўғрисида” VI-56-100-2-40-K/21-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклансин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Sessiya raisi **Atoyeva R. K.**

Xalq deputatlari Romitan tuman
Kengashining
2022 yil 22 fevraldagi
VI-59-34-2-40-K/22-son qaroriga
1-ilova

Ромитан туман ҳудудларида Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахсларга ер солиғи, ва Жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкаси

2022 йил учун

№	Туман(шахар)лардаги МФЙ номи	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахсларга ер солиғи ставкаси		Жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкаси	
		Коэффициент миқдори (0,7 дан 3 гача)	Солиқ суммаси (1 гектар учун, сўмда)	Коэффициент миқдори (0,7 дан 3 гача)	Солиқ суммаси (1 кв.м учун, сўмда)
1	2	3	4	5	6
x	**Ромитан тумани**	**1,00**	**22 214 000**	**1,00**	**188**
1	Зарафшон МФЙ	1,08	23 991 120	1,12	211,00
2	Алишер Навоий МФЙ	1,08	23 991 120	1,12	211,00
3	Бобир МФЙ	1,08	23 991 120	1,12	211,00
4	Ибн Сино МФЙ	1,08	23 991 120	1,12	211,00
5	Афросиёб МФЙ	1,13	25 101 820	1,17	220,00
6	Гулистон МФЙ	1,08	23 991 120	1,12	211,00
7	Тарнаут МФЙ	1,03	22 880 420	1,02	192,00
8	Атторон МФЙ	1,03	22 880 420	1,02	192,00
9	Миришкор МФЙ	1,03	22 880 420	1,02	192,00
10	Боғча МФЙ	1,03	22 880 420	1,02	192,00
11	Ўба МФЙ	1,03	22 880 420	1,02	192,00
12	Кахрамон МФЙ	1,03	22 880 420	1,02	192,00
13	Ромитан МФЙ	1,03	22 880 420	1,02	192,00
14	Қалайчорбоғ МФЙ	1,03	22 880 420	1,02	192,00
15	Муғонча МФЙ	1,03	22 880 420	1,02	192,00
16	Челонғу МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
17	Чандир МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
18	Тошработ МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
19	Урганжиён МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
20	Хоса МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
21	Ғазберон МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
22	Деча МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
23	Қўрғон МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
24	Азизон МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
25	Бахтиёрчи МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00

26	Ўзбекистон МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
27	Самосий МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
28	Ўтабек МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
29	Шўробод МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
30	Навбахор МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
31	Истиқлол МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
32	Шўрча МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
33	Ифтихор МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
34	Қумробот МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
35	Хазортут МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
36	Хофизработ МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
37	Боғисайдон МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
38	Боғитуркон МФЙ	1,05	23 324 700	1,02	192,00
39	Хўжауббон МФЙ	0,98	21 769 720	1,02	192,00
40	Марзия МФЙ	0,98	21 769 720	0,88	165,00
41	Пойжўй МФЙ	0,98	21 769 720	0,88	165,00
42	Қоқиштувон МФЙ	0,98	21 769 720	0,77	145,00
43	Газли МФЙ	0,98	21 769 720	0,88	165,00
44	Байналминал МФЙ	0,98	21 769 720	0,88	165,00
45	Қизилравот МФЙ	0,74	16 438 360	0,77	145,00